

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўл ёзма ҳуқуқида

УДК:338.26:6П9 (575.1)

КУРГАНБАЕВ РУСТАМ ЭШПУЛАТОВИЧ

**ТЎКИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ҚУВВАТЛАРИНИ СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ
(“SHAYXONTONURTEXTILE “ ХК МИСОЛИДА)**

5A230201 - “Менежмент”(реал сектор)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. М.Ғ. Умарходжаева

ТОШКЕНТ-2018

Магистрлик диссертациясида тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларини стратегик режалаштиришнинг назарий-услубий асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган "Shayxontohur textile" хорижий корхонасининг ҳаракатлар стратегиясини устувор йўналишларини амалга ошириш шароитида ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, стратегик режалаштириш асосида корхона салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш асосида корхона рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

At the Master's thesis theoretical-methodological foundations of strategic planning of production capacities of the sewing enterprises were studied. As a result of the solution of theoretical and practical issues, the scientific and practical recommendations for the rational use of production capacities in the implementation of the priorities of the strategy of the foreign enterprise Shayhontohur textile, which is a research object, has been elaborated, on the basis of full-fledged use of enterprise capabilities.

Магистрлик диссертация иши "Менежмент" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

« 22 » май 201 9 й.

9 - сонли

баённома

Кафедра мудири

Исраилов Н.К.
(и.ш.ф.)

[Signature]
имзо сана

Илмий раҳбар:

и.ф.у.д. Умарходжаева М.Т.
(илмий раҳбар и.ш.ф.)

[Signature]
имзо сана

Тақризчи:

и.ф.ч. доц. Ходжаалеева Р.Ш.
(тақризчи и.ш.ф.)

[Signature]
имзо сана

Магистрант:

Жураева Р.А.
(магистрант и.ш.ф.)

[Signature]
имзо сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I-БОБ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	
1.1. Ишлаб чиқариш қувватлари мазмуни ва уларнинг моҳияти	9
1.2. Ишлаб чиқариш қувватларини режалаштириш.....	20
1.3. Ишлаб чиқариш қувватларини стратегик режалаштиришда хориж тажрибаси.....	29
1- боб бўйича хулоса.....	38
II - БОБ. ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ	
2.1. Тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш тахлили.....	40
2.2. Тўқимачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини баҳолаш.....	47
2.3. “Shayxontoxur textile” хорижий корхонаси умумий фаолияти ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳолати тахлили	55
2-боб бўйича хулоса.....	68
III-БОБ. “SHAYXONTOXUR TEXTILE” ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ СТРАТЕГИК РЕЖАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
3.1. “Shayxontoxur textile” хорижий корхонасининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари.....	70
3.2. “Shayxontoxur textile” хорижий корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини стратегик режалаштириш.....	83
3.3. “Shayxontoxur textile” хорижий корхонасида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш йўлларини такомиллаштириш.....	94
3- боб бўйича хулоса.....	107
Хулоса ва таклифлар	110
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	112

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиш стратегияси йўналиши ва механизмларини такомиллаштириш ишлаб чиқариш қувватларидан тўғри фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб, қорхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини акс эттирувчи омил сифатида қаралади. Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги қорхоналари фаолиятининг шаклланиши, хўжалик юритиши ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли – туман янги шакллари ташкил топишига ва ўз фаолиятини юксалтириб бориш ва уни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида Республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат мулкчиликни барча шаклларида бирдай фойдаланиш, натижада эркин бозор, пул муносабатларига асосланган, иқтисодий тизим ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга қаратилган. Бундай мақсадни амалга оширишда албатта, ишлаб чиқариш қувватларини режалаштириш ва бошқарув тизимида тиғизликлар юзага келиши ривожланган давлатлар тажрибасидан яхши маълум. Ушбу юзага келган бундай муаммоларни бартараф этишда мамлакат иқтисодиётига киритилган сармоялардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш қорхоналари фаолиятини режалаштириш ва уларни бошқаришда мавжуд усуллар билан бирга янги ва замонавий режалаштириш ва бошқарув технологиялардан самарали фойдаланишни алоҳида эътиборга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017 - 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракат стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор